

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

**Олламов Алишер Ярашович**

*мустақил изланувчи, Сирдарё вилояти*

*Оқолтин туманлараро иқтисодий суди раиси*

Парламент юқори палатаси – Сенат ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири – бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иштирокини кенгайтириш масаласи ҳисобланади. Ваҳоланки, ҳудудий муаммоларни марказий вакиллик органи доирасида ҳал этилишида бирламчи ва зарурий бўғин сифатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштирокини кучайтириш, бунда “муаммони кўтариб чиқиш” тарзидаги ташаббусни йўлга қўйиш талаб этилади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида жойларда биргаликда амалга ошириладиган ташкилий шакллари босқичма-босқич такомиллаштириб борилди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати билан маҳаллий Кенгашларнинг ҳамкорлиги соҳасида “Бирлашган сессиялар”ни ўтказиш билан боғлиқ амалиёт йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2006 йил 8 июндаги 173-1-сон қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг намунавий иш тартиби (Регламенти)нинг 19-моддасида “Бирлашган сессия” тушунчаси ва уни ўтказиш тартиби ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Ушбу Регламенти<sup>1</sup>да ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва долзарб муаммоларни муҳокама этиш мақсадида тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг сайёр мажлислари - “Бирлашган сессия” ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Шунингдек, Регламентда “Бирлашган сессия” Сенат кўмиталарининг раиси тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг раиси билан келишган ҳолда ўтказилиши белгиланди.

Мамлакатимизда парламент юқори палатаси – Сенатнинг ҳудудий вакилликни таъминлаш функциясидан самарали фойдаланишга қаратилган ислоҳотлар самараси

<sup>1</sup> Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг намунавий иш тартиби (Регламенти) (ЎЗР ОМ Сенати Кенгашининг 08.06.2006 й. 173-1-сон қарорига илова) | Маҳаллий ҳокимият органлари | Ўз кучини йўқотган ҳужжатлар | Давлат ҳуқуқий тизими асослари | ЎЗР Конунчилиги Маълумотлар тизими “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг намунавий иш тартиби (Регламенти) (ЎЗР ОМ Сенати Кенгашининг 08.06.2006 й. 173-1-сон қарорига илова)” | . Ҳужжат ҳозирда ўз кучини йўқотган. NRM.uz сайтидан олинди.



ўлароқ Сенат ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан жойларда биргаликда амалга ошириладиган ташкилий шакллар янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги СҚ-360-IV-сонли қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти қабул қилинди. Ушбу намунавий регламентнинг 22-моддаси<sup>2</sup>га асосан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ва энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари (комиссиялари) ва маҳаллий Кенгашнинг кўшма мажлиси ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмитаси (комиссияси) ва маҳаллий Кенгашнинг кўшма мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмитаси (комиссияси)нинг раиси ва ҳоким – маҳаллий Кенгаш раҳбари ўртасида келишув бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмитаси (комиссияси) ва маҳаллий Кенгашнинг кўшма мажлиси кун тартибидаги масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмитаси (комиссияси) томонидан маҳаллий Кенгашнинг тегишли доимий комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмитаси (комиссияси) ва маҳаллий Кенгашнинг кўшма мажлисини чақириш, уни ўтказиш вақти, санаси, жойи ва бошқа масалалар маҳаллий Кенгаш регламентига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмитаси (комиссияси)нинг раиси ва ҳоким – маҳаллий Кенгаш раҳбари ўртасида келишув бўйича ҳал этилади.

Қонунчиликка киритилган ушбу ўзгаришлар Сенатнинг ҳудудий мутаносибликни таъминлашга қаратилган вазифаларини амалга оширишнинг самарасини оширишга қаратилганлиги шубҳасиздир.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳудудий вакиллик органи ҳисобланиб, ўз ваколатини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан олганлигидан келиб чиқиб, сайлов орқали шакллантирилган сенаторлар корпуси фаолиятининг мазмун-моҳияти уларни Кенгаш олдида масъулиятга эга эканлигини билдиради.

Шу сабабли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти пастдан юқорига қараб, яъни Кенгашлардан Сенатга қараб ҳаракатланиши кузатилади. Бунда ушбу муносабатларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ташаббускор сифатида рўёбга чиқиши керак. Чунки, Сенат маҳаллий кенгашларнинг манфаатларини ифодаладиган, уларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қиладиган вакиллик характериға эға бўлган ҳокимият субъектидир.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 31.07.2021 йилдаги СҚ-360-IV-сон Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида. [Norma – информацион-қидирув тизими \(24.01.2022 йил ҳолатига\)](#).



Шунинг учун ушбу ҳамкорлик фаолиятидан аввало халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзи манфаатдор ҳисобланади.

Бугунги кунда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганлиги ва амалдаги қонунчиликда айрим ислохотларни амалга оширишга эҳтиёж мавжудлиги сабабли ушбу муносабатларда етарлича силжиш кўзга ташланмаяпти.

Амалдаги қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳудудий вакиллик органи ҳисобланиб, унинг таркиби асосан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлар корпусидан шакллантирилган. Бу тартибнинг моҳияти - авваламбор, сенаторлар корпуси ўз фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари (шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси) олдида масъул эканлигини билдиради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ушбу қонуннинг мазмунидан келиб чиқиб, ўзи сайлаган сенаторлар корпуси орқали ҳудуддаги турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ҳал қилинишини таъминлашга ҳақли ҳисобланади.

Бунинг учун маҳаллий муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқиш ва уни ҳал этиш зарурати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритиш, уни Сенат, унинг қўмита ва комиссияларида кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмини қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Айнан Сенатга киритилган ушбу масалалар ҳудудларни ўзида ҳал қилиш чораларини белгилаш ва уни амалга оширишнинг ташкилий шакллари қонунчиликда мустаҳкамлаш талаб этилади. Яъни, тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан Сенатга киритилган масалалар Сенат, унинг қўмита ва комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритиш, уни Сенат, унинг қўмита ва комиссиялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлисларида муҳокама қилиш ва уни ҳал қилиш юзасидан зарур қарорларни қабул қилиш ва унга масъул субъектлар доирасини белгилаш механизмини қарор топтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, зарур ҳолларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда ўтказиладиган қўшма мажлисларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ёки у раҳбарлик қиладиган котибият иштирокини таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарининг фаолияти ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишга



йўналтирилган бўлиб, у ҳукуматнинг тегишли котибиятига бевосита раҳбарлик қилади.<sup>3</sup>

Мамлакатимизда икки палалати парламент тизими шакллантирилгандан сўнг ҳудудий вакиллик органи сифатида Сенатнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолияти ҳам шаклланиб борди. Ҳозирги кунда ушбу ҳамкорлик фаолиятини янада кучайтириш, ҳудудий масалаларни марказий қонунчилик органи доирасида ҳал қилиш самарали механизмини яратиш, бунда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари иш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳудудий вакиллик органи сифатидаги функциясидан самарали фойдаланиш ва унда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий база яратилган ва у тизимли равишда ривожланиб бормоқда. Хусусан, Сенатнинг фаолиятида давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари иштирокини кенгайтириш асосий тенденциялари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи сифатидаги функциясидан фойдаланиш юзасидан босқичма-босқич етарлича амалиёт юзага келди, (ишчи гуруҳлар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси фаолияти);

Иккинчидан, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга оид тегишлича норматив база яратилди. Яъни Сенат Кенгаши қарори билан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқилди ва ушбу амалиётга жорий этилди.

Учинчидан, Сенатнинг ҳудудий масалаларни ҳал қилиш борасидаги вазифаларини ҳал қилишда “энг муҳим субъект” ҳисобланиши мумкин бўлган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни ва роли сезиларли даражада кучайтирилди. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳоким ва бошқа маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ваколатлари берилди. Хусусан, 2014 йилда Конституцияга ва 2015 йилда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга киритилган тuzатишларга мувофиқ, халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимнинг вилоятни, туманни, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича энг муҳим долзарб масалаларга доир ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқининг берилгани, жойларда аҳолига муносиб яшаш шароитлари яратишда, долзарб муаммоларни ҳал қилишда ва ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 июлдаги 418-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг функционал вазифалари тўғрисида”ги Низомнинг 4 ва 8-бандлари, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.07.2021 й., 09/21/418/0634-сон.



Тўртинчидан, “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-636-сонли қонуни қабул қилиниб, унга кўра халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий-техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш вазифаси, маҳаллий ҳокимликлар аппаратида тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти зиммасига ўтказилди.

Амалга оширилган ушбу ислоҳот келгусида мамлакатимизда ҳокимият вакиллик органлари тизимининг янги кўринишда ривожланишини бошлаб берадиган ва шу асосда Сенат билан бевосита ҳудудий масалаларни ҳал қилиш механизмини юзага келтириши талаб этилади.

Мамлакатимизда парламент юқори палатаси - Сенатнинг ҳудудий вакиллик функциясини таъминлаш ва шу асосда унинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар келажакда ҳудудларни ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этади.

Бунда, бизнингча, келгусида маҳаллий Кенгашлар ва маҳаллий ижроия ҳокимиятига битта мансабдор шахснинг раҳбарлик қилиш амалиётидан воз кечиш маҳаллий муаммоларни марказий қонунчилик органи доирасига истисносиз (қаршиликсиз) ташаббус билан олиб чиқишга ва шу орқали, шу билан бирга ҳокимият ваколатларининг тақсимлаш принципига ҳамоҳанг бўлган маҳаллий вакиллик ва маҳаллий ижроия органлари тизимининг таъсирчанлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга, пировардида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.